O`zbekiston Respublikasi
Jizzax viloyati
xalq deputatlari
Zafarobod tumani Kengashining
Q A R O R I

РЕШЕНИЕ
Зафарабадского районного
Кенгаша народных депутатов
Джизакской области
Республики Узбекистан

Manzil: Zafarobod tumani, Zafarobod shaharchasi, Mustaqillik ko`chasi 1 uy, tel: 472-22-69

"6" 01 2020 йил № 222/73 - сонли

Зафаробод туманининг 2020 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрда қабул қилинган "2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги 589-сонли Қонунига (Кейинги ўринларда Қонун деб аталади) мувофиқ, 2020 йилдан бошлаб Халқ депутатлари Кенгашларини маҳаллий бюджетларни бошқаришда эркинликлар берилиб, солиқлар ва йиғимлар бўйича ставкаларини белгилаш, маҳаллий бюджети харажатларини ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар кесимида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олдидаги ҳисобдорлигини белгилаш бўйича ваколатлари кенгайтирилди.

Мазкур Қонуннинг 18-моддасига ҳамда 2020 йил учун Зафаробод тумани бюджетини қабул қилиш бўйича Халқ депутатлари Зафаробод тумани Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгашининг 2019 йил 23 декабрдаги "Жиззах вилоятининг 2020 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида"ги 300/50-сонли қарорига асосан Зафаробод тумани бюджетига Жиззах вилояти бюджетидан ажратилган:

тартибга солувчи бюджетлараро трансферт 27 095 301 минг.сўм миқдорида тасдиқланганлиги;

туман бюджетининг айланма касса маблағи 326 000 минг. сўм миқдорда белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Туман маҳаллий бюджетининг 2020 йилги контенгент даромадлар режаси прогнози 109 795 953,0 минг. сўм, маҳаллий бюджет даромадлар прогноз режаси 16 972 791,0 минг сўм (шундан акциз *(мобиль алова ва ароқ истеъмоли учун)* солиғи Республика бюджетидан марказлаштириб 3 960 000,0 минг сўм ўтказиб берилади) қилиб прогноз қилинганлиги бир овоздан маъқуллансин.

2. Қонунга асосан 2020 йилда:

а) Қуйидаги солиқ турлари туман бюджетида тўлиқлигича қолдирилади:

- жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;
- жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;
- жисмоний шахсларнинг мулкларни ижарага беришидан олинадиган

йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғи;

– цемент ва оҳактошдан ташқари, алоҳида норуда қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;

– электр станцияларидан бошқа тўловчилар томонидан тўланадиган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

– айланмадан олинадиган солиқ (ягона солиқ тўлови)

– Тадбиркорлик фаолияти бўйича қатъий белгиланган солиқ

б) Қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар вилоят бюджети ҳамда туманлар бюджетлари ўртасида қуйидаги ажратмалар асосида тақсимланади:

– жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи 3 фоиз туман бюджетига, 97 фоиз вилоят бюджетига;

– юридик шахсларнинг фойда солиғи 100 фоиз вилоят бюджетига;

– юридик шахслардан олинадиган мулк солиғи 62 фоиз туман бюджетига, 38 фоиз вилоят бюджетига; ;

– юридик шахслардан олинадиган ер солиғи 100 фоиз туман бюджетида;

– бензин, дизель ёқилғиси ва газнинг чакана сотуви учун акциз солиғи 75 фоиз туман бюджетида, қолган 25 фоизи вилоят бюджетида;

– айрим товарларни чакана сотиш ҳуқуқини бериш учун йиғим 100 фоиз туман бюджетида;

– қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона йиғимларидан ташқари) 100 фоиз туман бюджетида;

– харид қилганлик учун ички ишлар органларида рўйхатдан ўтказиш вақтида автотранспорт эгалари (фойдаланувчилари) томонидан тўланадиган йиғим 100 фоиз туман бюджетида;

в) Қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар тўлиғича вилоят бюджетига ажратма қилинади:

– Давлат божи 100 фоиз вилоят бюджетига;

– Давлат корхоналарининг соф фойдасидан тушум 100 фоиз вилоят бюджетига;

– Жарималар 100 фоиз вилоят бюджетига;

г) мобил алоқа хизматлари учун акциз солиғи ва алкогол махсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғидан тушумлар 2019 йил 1 июль ҳолатига кўра туман ва шаҳар аҳолисининг вилоят аҳолисидаги улушига мувофиқ ўтказиб берилади.

3. Қонунга асосан туман бюджетининг харажатлар тизимида қуйидаги ўзгартиришлар киритилди ҳамда молиялаштириш тартиби қуйидагича белгиланди:

а) тумандан молиялаштирилувчи умумтаълим мактаблари ҳамда мактабгача таълим муассасаларининг биринчи ва иккинчи гуруҳ харажатлари республика бюджетидан, тўртинчи гуруҳ харажатлари туман бюджетларидан молиялаштирилади;

б) туман бюджетидан:

– фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари орқали тайинланадиган ижтимоий нафақалар;

– давлат санитария-эпидемиология назорати туман ва шаҳар марказларини сақлаш харажатлари молиялаштирилади.

4. 2020 йил учун Туман бюджети даромадлар прогноз кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

5. Туман бюджетидан 2020 йилги ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. 2020 йил учун туман бюджети захира жамғармаси ҳажми 651 253 минг. сўм миқдорида белгилансин.

Туман ҳокимлиги захира жамғармаси маблағларини туман бюджетида кўзда тутилмаган, кечиктириб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилиши таъминлансин.

7. Туман ҳокимлиги, Туман молия бўлими:

ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар томонидан тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирилишини назоратга олсин;

ҳар чорак якуни билан кейинги чорак биринчи ойининг 25-санасига қадар расмий веб-сайтларга ўз тасарруфидаги бюджет ташкилотлари кесимида молиявий ҳисоботларни ҳамда бошқа тегишли маълумотларни жойлаштирсин;

маҳаллий бюджетларнинг қўшимча даромадларини 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорларда жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтиришни таъминласин, веб-сайтларига уларнинг натижаларини жойлаштирсин.

8. Туман ҳокимлиги, чораклар якуни бўйича мазкур қарорнинг 5-иловасида келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари ҳокимликнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга

бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, Вилоят ҳокимиятига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан таклифлари билан бирга киритилган мурожаатига асосан тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш ёки харажатларни мақбуллаштириш таклифларини киритади.

9. Туман ҳокимлиги Қонуннинг 24-моддасига асосан тегишли равишда туман бюджет маблағлари тақсимловчиларнинг бюджет маблағларидан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалар бўйича ҳисоботларини Кенгашга киритилишини таъминласин.

10. Туман ҳокимлиги бюджет даромадлари ва харажатларининг кўрсаткичларини бажарилишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши устидан қатъий назоратни ўрнатиши учун туман Кенгашига доимий равишда маълумот киритиб борсин.

11. Туман ҳокимлиги Қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

12. Мазкур қарор расман эълон қилинган кундан кучга киради.

13. Туман ҳокимлиги ушбу қарорни www.zafarobod.uz веб-сайтида ҳамда “Зафар йўлидан” газетасида эълон қилинсин.

14. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан Халқ депутатлари туман Кенгашининг 2018 йил 27 декабрдаги 195/63-05-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

15. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари Туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси ва туман ҳокимлиги зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси **И.Қаршибоев**

Халқ депутатлари
Зафаробод туман Кенгашининг
2020 йил « 6 » 01 даги
222/73 -сонли қарорига
1-илова

Жиззах вилояти Зафаробод тумани маҳаллий бюджетининг даромадларининг 2020 йилдаги асосий прогноз кўрсаткичлари

минг сўмда

Т/Р	Даромад турлари	Жами
	ЖАМИ	**16 972 791,0**
1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	-
2	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	521 793
3	Акциз солиғи, жами	**520 000,0**
	шу жумладан:	-
	- бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ	*390 000,0*
4	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	5 705 541,0
5	Юридик шахслар ер солиғи	1 859 997,0
6	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	509 228,0
7	Ягона солиқ тўлови	1 609 709,0
8	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (ИТД)	178 084,0
9	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	1 107 910,0
10	Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ норуда	-
11	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	840 358,0
12	Тақсимланувчи даромадлар	**3 960 000,0**
13	Алкоголга акциз солиғи (шу жумладан пиво)	2 540 000,0
14	Мобил алоқага акциз солиғи	1 420 000,0
15	Йиғимлар	290 171,0

Халқ депутатлари
Зафаробод туман Кенгашининг
2020 йил «6» 01 даги
222/73-сонли қарорига
2-илова

2020 йил учун Зафаробод тумани бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган парламент ажратмаларининг чекланган миқдорлари

минг.сўм

№	Кўрсаткичлар	2020 йил
Зафаробод туман бўйича харажатлари миқдори, Жами		**44 068 092,0**
1	Туман халқ таълими бўлими	3 038 805,0
2	Туман Мактабгача таълим бўлими	3 831 714,0
3	Туман Тиббиёт бирлашмаси	17 638 467,0
4	Туман ДСЭНМ	1 487 564,0
5	Туман Маданият бўлими	674 106,0
6	Туман Ахборот кутубхона маркази	217 461,0
7	Туман Жисмоний тарбия ва спорт бўлими	721 686,0
8	Туман Бандликка кўмаклашиш маркази	500 228,0
9	Туман ҳокимлиги	2 635 377,0
10	Туман Бюджетдан ташкари пенсия булими	317 162,0
11	Туман ҳокимлиги Молия бўлими	810 891,0
12	Туман Қишлок хўжалиги бўлими	427 030,0
13	Туман ҳокимлиги захира жамгармаси	651 253,0
14	Туман ветеринария бўлими	409 362,0
15	Туман хайвонлар касалликлари ташхиси ва озик-овкат махсулотлари хавфсизлиги маркази	0,0
16	Туман фермер, дехкон, хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши хузуридаги бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи юритиш маркази	548 829,0
17	Туман ирригация бўлими	607 843,0
18	Туман ободонлаштириш бошқармаси	2 248 836,0
19	Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари оркали тайинланадиган ижтимоий нафақалар	7 301 478,0

Халқ депутатлари
Зафаробод туман Кенгашининг
2020 йил « 6 » 01 даги
222/73 -сонли қарорига
3-илова

Умумдавлат солиқларидан Зафаробод туман маҳаллий бюджетларига ажратмалар меъёри

Фоиз ҳисобида

Т/Р	Шахар ва туманлар номи	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	Ягона солик тўлови	Тадбиркорликликнинг айрим турлари учун қатъий белгиланган солик (фиксированный)	Жисмоний шахслар ер солиғи	Жисмоний шахслар мол-мулк солиғи	Норуда қурилиш материаллари учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солик	Ижара тўлови	Акциз солиғи: - бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализацияси дан солик	Юридик шахслар ер солиғи	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик	Йиғимлар	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солик
1	Зафаробод тумани	3		100	100	100	100	100	100	75	100	100	100	62

Халқ депутатлари
Зафаробод туман Кенгашининг
2020 йил « 6 » 01 даги
22/73-сонли қарорига
4-илова

Зафаробод туман маҳаллий бюджетининг 2020 йил даромадлари ва харажатларининг чегаравий ҳажми

минг сўмда

Ҳудуд номи	Даромад	Харажат
Зафаробод тумани	16 972 791,0	44 068 092,0

Халқ депутатлари
Зафаробод туман Кенгашининг
2020 йил « 6 » 01 даги
222/73 -сонли қарорига
5-илова

Зафаробод туман маҳаллий бюджетининг 2020 йилги юқори бюджетдан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари

минг сўмда

Шаҳар ва туманлар	Тартибга солувчи трансферт миқдори
Зафаробод тумани	27 095 301,0

Халқ депутатлари
Зафаробод туман Кенгашининг
2020 йил «6» 01 даги
222/93 -сонли қарорига
6-илова

Зафаробод туман маҳаллий бюджетида йўл қўйиладиган энг кам маблағлар миқдори

минг сўмда

Т/р	Ҳудуд номи	Миқдор
1	Зафаробод тумани	**326 000,0**